

Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2022 йил 25 февраль, № 42 (8104)

Жума

Сайтимизга ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИНСОН ҚАДРИ ТАМОЙИЛИ АСОСИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА КАТТА МАРРАЛАР БЕЛГИЛАНДИ



Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлардаги бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар ва аҳоли ҳаёти билан танишиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасида бўлди.

Давлатимиз раҳбари 24 февраль кuni Беруний туманига борди. Бу ерда Саудия Арабистонининг "ACWA Power" компанияси билан ҳамкорликда шомол электр станцияси қурилиши режалаштирилган. Шу муносабат билан ушбу мажмуага тамал тоши қўйиш маросими бўлди.

Қорақалпоғистонда ягона бўлган Тахياتош иссиқлик электр станцияси бундан 65 йил аввал қурилган бўлиб, ҳудуд эҳтиёжини қондириш учун етарли эмас эди. Шунинг учун ушбу станция 680 миллион доллар эвазига модернизация қилиниб, 560 мегаватт қувватлар ишга туширилди.

Мана энди янги йўналишда, экологик тоза яна бир электр станцияси қурилиши бошланмоқда. Йиллик қуввати 360 миллион килловатт-соат бўлган ушбу лойиҳа 108 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига амалга оширилади.

Бу лойиҳа ишга тушган, 110 минг хонадонни қўшимча электр энергияси билан таъминлаш мумкин бўлади. Йилига 106 миллион куб метр табиий газимиз тежалди.

Ягона энергетика тизими билан тўлиқ уланади. Президентимиз лойиҳа учун зарур нарсаларни маҳаллийлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш кераклигини таъкидлади. Масалан, "Тахياتош металл конструкция" заводидан таянч устунлар, "Нукус электр аппарат" корхонасида трансформатор ва электр техника жиҳозлари, бошқа корхоналарда эса — кабель ва ўнлаб турли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин.

Қорақалпоғистонда шомол энергияси ишлаб чиқариш имкониятлари чексиз экани қайд этилди.

— Экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилинган Оролбўйи минтақасида бошланган бу лойиҳа "яшил энергия" ишлаб чиқариш бўйича "биринчи қалдирғоч". Келгуси беш йилда бу ҳудудда қуввати қарийб 1 минг 800 мегаватт бўлган 3 та шомол станцияси ишга туширилади, — деди давлатимиз раҳбари.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев шомол электр станцияси пойдеворида капсула қўйди. Маросимда "ACWA Power" компанияси раҳбари Муҳаммад Абдулла Абунаия, соҳа мутахассислари, жамоатчилик вакиллари сўзга чиқди.

Мамлакатимизда электр энергияси ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича кўпгаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Утган йили Навоий вилоятининг Кармана туманида илк куёш фотоэлектр станцияси ишга туширилган эди. Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида шундай яна бир станция қурилиши бошланган.

Трансформатор ва устунлар ўрнатилиб, электр тармоқлари тортилди. Ариқлар тозаланиб, дарактлар экилди.

Маҳаллада иш жойи ва тиббий хизмат йўқ эди. Шу боис энгил конструкциядан тўқимачилик корхонаси ташкил этилди. Бу ерда 300 дан ортиқ хотин-қизлар иш билан таъминланди. Давлатимиз раҳбари улар билан суҳбатлашди.

— Маҳалладаги ўзгаришларни, сизларнинг ишли бўлганингизни кўриб, хурсанд бўлдим. Қўлида ҳунари бор аёлнинг кайфияти яхши, оиласи ҳам барқарор бўлади. Бундай ишларни ҳали кўп қилишимиз керак. Албатта, қийин бўлади. Лекин биз бир оиламиз. Бирлашиб, ҳамма режаларни амалга ошира оламиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президент бу ерда маҳалла маркази қуриш, шаҳардаги бошқа оғир ҳудудларни ҳам обод қилиш бўйича кўрсатмалар берди. Шу ердаги тиббий хизмат пункти ҳам кўздан кечирилди. Қорақалпоғистонда янги клиникалар қуриш, тизим сифатида ишлаши режалари муҳокама қилинди.

Маҳалланин Қўқтепа қўчасидаги 8 та уй намунавий хонадонга айлантирилган. Ховлилар тартибга келтирилиб, иссиқхоналар қурилган. Президент улардан бири — Габит Жусупов хонадонда меҳмон бўлди.

— Кечадан бери Қорақалпоғистоннинг энг узок, энг оғир ҳудудларига боряммиз. Ҳозир менга айтишди: Нукусда шароити ёмон яна етти та маҳалла бор экан. Уларни ҳам обод қилиш, йўлини, суви, электрини тўғрилаш бўйича режаларни белгиладик, — деди давлатимиз раҳбари.

Президент Шавкат Мирзиёев Нукус шаҳрида иш бошлаган пластик эшик ва ромлар корхонасини бориб кўрди. Бу лойиҳа учун Жана базар маҳалласи ҳудудидан 4 гектар ер ажратилиб, 2 миллион долларлик қурилиш ишлари амалга оширилган. Замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилиб, муҳандислик-коммуникация тармоқлари тортилган. Корхона жами 270 минг квадрат метр эшик ва дераза ромлари тайёрлаш қувватига эга. Бу ерда 230 киши иш билан таъминланди. Уларнинг кўчилиги ёшлар.

Давлатимиз раҳбари Нукус шаҳридаги инвестиция лойиҳалари шартини маркази фаолияти билан танишди. Бу муассаса бизнес лойиҳаларни шакллантириш, амалга ошириш ва мониторинг қилиш бўйича яхлит тизим сифатида ишлаши. "Ягона дарча" тамойили асосида вазирилик, идора, ҳудуд ва ташкилотлар ўртасида тезкор ҳамкорликни таъминлайди.

Марказда унча — ҳудудий лойиҳа гуруҳи, стратегик ривожлантириш гуруҳи ва тадбиркорларга тезкор ёрдам гуруҳи бор. Шунингдек, Тадбиркорлар кенгаши бўлиб, лойиҳа гуруҳлари билан бирга янги гоя ва тақлифларни муҳокама қилади ҳамда уларга ишбилармонларни жалб этади.

Бундан ташқари, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирилик, Савдо-саноат палатаси мутахассислари ҳудудда имконияти бор лойиҳаларни ишлаб чиқиш, тайёр ҳолда аҳолига тақлиф қилади.

Марказга етакчи саннат тармоқларининг вакиллари бириктирилган. Президентимизга Қорақалпоғистонда ушбу тармоқларда режалаштирилган лойиҳалар ҳақида ахборот берилди.

Аввал хабар қилинганидек, Оролбўйи ҳудудини биргалликда ривожлантириш учун вилоят ҳокимликлари ҳам жалб этилган. Улар томонидан Қорақалпоғистоннинг ҳар бир тумани бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилган. Марказда ушбу режалар тақдими ҳам ўтказилди.

3. ЖОНИБЕКОВ, А. МУСАЕВ, Д. АБИБУЛЛАЕВ, Ҳ.А. МУХБАРЛАРИ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ РАСМИЙ ҲУЖЖАТИ СИФАТИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ ВА ТАШКИЛОТНИНГ 6 ТА РАСМИЙ ТИЛИДА ТАРҚАТИЛДИ

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мақсад ва вазифалари БМТ Бош Ассамблеяси 76-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида қабул қилинди.



Эътироф

БМТ эълон қилган ҳужжатда қайд этилишича, Ўзбекистон раҳбарияти Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирларни бажаришда давом этмоқда. 2017 — 2021 йилларда мамлакатни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясининг ҳаётга татбиқ этилишига икки қўл берилди, унинг доирасида 300 га яқин қонунлар, Президентнинг давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган қарорлари қабул қилинди.

Ҳужжат ташкилот журналида барча расмий тилларда чоп этилди, аъзо давлатлар ва БМТ таркибий бўлинмалари ўртасида тарқатилди, шунингдек, расмий ҳужжатлар тизимида А/76/684 рақами остида жойлаштирилди.

Ҳужжатда парламентнинг ролини кўчатириш, коррупцияни бартараф этишнинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш, оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, шунингдек, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг долзарб муаммоларини ҳал этиш бўйича стратегия доирасида белгиланган мақсадларни амалга ошириш юзасидан атрофича маълумотлар ўз ифодасини топган.

Ҳужжатда парламентнинг ролини кўчатириш, коррупцияни бартараф этишнинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш, оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, шунингдек, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг долзарб муаммоларини ҳал этиш бўйича стратегия доирасида белгиланган мақсадларни амалга ошириш юзасидан атрофича маълумотлар ўз ифодасини топган.

«Дунё» АА. Нью-Йорк

UNWTO Бош директори Зураб Пололиқашвили: ЎЗБЕКИСТОН — БИЗНИНГ АЖОЙИБ ШЕРИГИМИЗ

Жорий йил 2 март кuni Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамкорлигининг 30 йиллиги нишонланади. Мамлакатимиз БМТ ва унинг ихтисослаштирилган муассасалари, жумладан, Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти (UNWTO) билан самарали ҳамкорлик қилмоқда.

UNWTO — БМТ тизимидаги ихтисослаштирилган ҳукуматлараро ташкилот. У ўзининг атрофига 158 аъзо давлатни, шу жумладан, Ўзбекистонни бирлаштирган.



Ўзбекистон 1993 йили БМТ Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилотига аъзо бўлган. Шундан буён жажон сайёҳлик марказларидан бири бўлган мамлакатимиз йирик халқаро сайёҳлик анжуманларини ўтказиш гўшасига (1994 йили Самарқандда, 1999 йили Хивада ва 2002 йили Бухорода) айланди.

Ўзбекистон Президентини лавозимидagi илк ҳужжатларидан бири бўлди, туризм индустрияси эса ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга тармок, деб эътироф этилди. Хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларининг мустаҳкамланганга шариоитида Ўзбекистон ва БМТ Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти ўртасида ўрнатилган ўзаро муносабатларнинг юқори даражада эканлиги, шубҳасиз, катта эътиборга моликдир.

